

ОНА ТИЛИ ДАРСЛИКЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**З.И.Усманова – Чирчиқ давлат педагогика институти
тарих ва тиллар факултети
ўзбек тили ва адабиёти йўналиши I курс магистранти**

Аннотация: она тили дарсликдари таълим мазмуни амалий характер касб этмоқда. Жаҳоннинг илғор тажрибалари ўзлаштирилмоқда. Машқ ва топшириқлар изчил фарқланган. Маърифий матнлар кўлами ортиб, полифоник хусусияти сезиларли даражада кучаймоқда. Ўқитиш усулининг когнитив-прагматик даражаси ўсаётганлиги эътиборга молик.

Калит сўзлар: дарслик, анъанавий дарслик, такомиллашган дарслик, мақсад, оғзаки нутқ, ахборот технологиялари, матн, шакл ва мазмун, сўз қўллаш маҳорати, услубият.

Native language textbooks are being improved

**ZIUsmanova - Chirchik State Pedagogical Institute
Faculty of History and Languages
Uzbek language and literature, 1st year master's degree**

Annotation: the content of textbook in the native language is becoming more practical. The best practices of the world are being mastered. Exercises and assignments were consistently differentiated. Enlightenment texts are growing in size and polyphonic. It is noteworthy that the level of cognitive-pragmatic approach to teaching is growing.

Key words: textbook, traditional textbook, improved textbook, purpose, oral speech, information technology, text, form and content, word usage, methodology.

Ҳозирги дунё таълимига эътибор қаратсак, унда, асосан, болани ҳаётга тайёрлаш асосий вазифа сифатида белгиланган. Синфда ўтирган ҳар бир боладан келажакда тилшунос ёки шу соҳага яқин касб эгаси чиқмаслиги мумкин, лекин

ҳар жиҳатдан соғлом, ўз фикрига эга бўлган, маънавий дунёқараши кенг, ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда равон ифода эта оладиган авлодни тарбиялаш ҳозирги кун таълимининг бош мақсадидир. Таълим тизимида ушбу мақсадни амалга оширишда дарсликлар муҳим аҳамиятга эга. Дарсликларнинг тузилиши, уларда берилаётган назарий маълумотлар ўқувчи ёши ва ўзлаштириш даражасига қай даражада мувофиқлиги тилшуносликнинг муҳим масалаларидан биридир. Жумладан, ўқувчиларда янги мавзу бўйича билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш учун қатор машқлар, берилган маълумотларни ўзлаштира олганликларини текшириш мақсадида дарсликда савол ва топшириқлар илова қилинади.

2019 йилга қадар ишлаб чиқилган она тили дарсликларида, асосан, назарий маълумотларга эътибор қаратилган. Тилшуносликнинг фонетика, орфоэпия, орфография бўлимлари 5-синфда, морфемика ва морфология бўлимлари эса 6-7 синфларда, синтаксис ва фразеология бўлимлари 8-синфда, кўшма гаплар синтаксиси ва пунктуация бўлимлари 9-синфда, услубият 10-синфда, нутқ маданияти эса 11-синф дарсликларида ўз аксини топган. Шу билан бирга ўқувчилар босқичма – босқич расмий иш қоғозлари билан ҳам таништириб борилади. Ушбу дарсликларда ўқувчиларга кенг кўламли назарий маълумотлар берилган. Бу эса ўқувчиларнинг грамматика бўйича билимларини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, ўқувчини ОТМга кириш имтиҳонларига ҳар жиҳатдан тайёрлайди. Ўқувчининг назарий билимлари кенг бўлгани қувонарли ҳол, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томони борки, бу оғзаки нутқ муаммоси. Ўқувчи ҳар жиҳатдан грамматикани мукамал билиши мумкин, аммо уни бошқа одамларга ҳам етказа олиши, фикрларини баён этишда содда ва аниқ ифодалардан фойдаланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дарсликдаги машқларда изчиллик бўлиши шарт. Таҳлил қилиш учун берилган мисоллар ҳам ҳар хил асарлардан олинмай, айнан бир асар юзасидан берилса, ўқувчи шу асар ҳақида қисқача маълумотга эга бўлади. Миллий дарсликлар тизимини ишлаб чиқиш соҳасида ҳозирда сезиларли ишлар амалга

оширилмоқда. Бу борада биринчи қадам сифатида М. Қодиров, Ҳ.Неъматов, М.Абдураимова, Р.Сайфуллаева ва Б.Менглиевлар муаллифлигидаги янги таҳрирдаги она тили дарслигини келтиришимиз мумкин. Дарсликдаги энг асосий янгиликлар қўйилаётган масалани машқ ва топшириқлар асосида фарқлаб ечиш, мумтоз матнлар билан ўқувчини таништириш, миллий адабиёт хазинамизнинг сарчашмаларидан янги авлодни хабардор қилиш ва шу орқали уларда миллий ғурур, ифтихор туйғуларини шакллантириш, дарсликда келтирилган айрим тарихий сўзларнинг маъноларини луғатлар ёрдамида излаб топиш орқали болани изланишга ундаш, замонавий ахборот технологиялари, интернетдан оқилон ва мақсадли фойдалана олиш маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, жамиятда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор қилиш, янги инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда янги ноанъанавий дарс шакллари ва методларини ишлаб чиқиш масалаларининг кўндаланг қўйилганидир. Ушбу дарсликда боланинг оғзаки нутқига алоҳида эътибор қаратилган. Машқ ва топшириқларнинг шартлари ҳам шунга мувофиқ тарзда “насрий баён қилишга тайёрланинг”, “оғзаки нутқ танловини ўтказинг”, “энг таъсирчан сўзлар луғатини тузинг”, “чиройли оғзаки хабар етказинг”, “хулосангизни синфда муҳокама қилинг”, “матн мазмунини қисқа жумлада ифодаланг”, “тушунчангизни аудио ва видеоёзув шаклида ифодаланг” каби вазифалар билан бойитилган. Машқ ва топшириқлардаги берилган гапларнинг ҳам битта асардан олингани дарсликнинг қийматини янада оширади. Чунки ўқувчи битта асарнинг турли ўринларидан олинган гапларни ўқир экан, уларни беихтиёр таҳлил қилади. Қайсидир жумла боланинг фикрини ўзига тортади. Асарни тўлиқ ўқиб чиқиши учун туртки бўлади.

Маълумки, бадиий асар ўқиб ўқувчи сўз бойлигини оширишда, маънавий дунёкарашининг кенгайишида, турли нутқ вазиятларида сўзларни ўз ўрни ва вақтида қўллай олиш маҳоратини шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этади. Бу эса ўқувчи шахсининг маънавий камолотида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам дарсликда берилаётган парчалар ҳар томонлама ўқувчи ёши ва психологиясига мос тушиши, унинг лисоний бойлигини янада

орттириши, ўқувчи шахси учун қийинчилик туғдирмаслиги лозим. Дарсликда берилган “Фил ҳикояти”, “Ҳунар хосияти”, “Амир Темур ва меъмор”, “Тилшунос ва қайиқчи”, “Бир саҳифа шарҳи” каби ўнлаб матнлар борки, улардан ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш доирасини ўстириш ва ҳаётга бўлган қарашларини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги матнлардан ўқувчиларни ПИСА халқаро тадқиқотларига тайёрлашда ҳам материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Дарсликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда назорат ишлари ва уларнинг таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Назорат иши дарсларида назорат тури белгилаб қўйилган. Машқ ва топшириқлар ҳам белгиланган назорат туридан келиб чиққан ҳолда тузилган. Бу эса дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар учун қатор қулайликларни юзага келтиради.

Ўқувчилар 9-синф она тили дарслигида “Қўшма гаплар синтаксиси” ва “Пунктуация” бўлимлари юзасидан билимга эга бўладилар. Амалдаги дарслик 2019 йилда нашр этилган бўлиб, унинг муаллифлари Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собировлардир. Мазкур дарсликда ўқувчилар қўшма гаплар ва уларнинг турлари, кўчирма гапли қўшма гаплар, матн ва унинг турлари, тиниш белгилари ва уларнинг қўлланилиши юзасидан назарий маълумотларга таянган ҳолда машқ, топшириқ ва саволларга жавоб топадилар. Дарслик янги матнлар ва луғатлар билан бойитилган. Қўшма гаплар учун махсус қолиплар ишлаб чиқилгани мавзуларни тушунтириш ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишида анча қулайликларни юзага келтирган. Бундан ташқари дарсликда матн тушунчаси ва унинг таҳлилига, матн турларига кенг ўрин ажратилган.

Шу ўринда айрим тавсияларни айтиб ўтмоқчи эдим. Дарсликда қўшма гап турлари ва уларнинг ҳар бирини боғловчи воситалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Лекин уларнинг қайси нутқ услубида кўпроқ ишлатилиши ҳақида маълумотлар йўқ. Таъкидлаш жоизки, ўқувчилар 8-синф она тили дарслигида нутқ услублари ҳақида маълумотга эга бўлганлар. Шунинг учун ўқувчини сўз қўллаш билан боғлиқ малакаларини ривожлантириш

мақсадида боғловчи воситаларни қайси нутқ услубида қўлланилиши юзасидан ҳам машқлар лозим.

9-синф ўқувчиси ҳам мактабда битирувчи синф ҳисобланади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, дарсликда жамиятда янги пайдо бўлаётган турли касблар ҳақида тушунчалар берувчи янги матнлар билан бойитиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан ўқувчиларга ҳали жамиятда кенг тараққий этиб улгурмаган касблар ҳақида тушунча берилади ва уларни касбга йўналтириш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Тан олиш керакки, замонамизнинг айрим ёшлари она тили дарсликларини ОТМга кириш имтиҳонларида мажбурий фан сифатида жорий этилганлиги туфайлигина мукамал ўрганиш шарт деб ҳисоблайдилар. Ёшларни кўпроқ тиббиёт, психология, компютер техникалари қизиқтиради. Ўқувчилар тилшуносликни фақат грамматикага асосланган фан сифатида қабул қилмасликлари учун айнан 9-синф она тили дарсликларида тилшуносликнинг нейролингвистика, компютер лингвистикаси, психоллингвистика, когнитив лингвистика, математик лингвистика каби янги соҳалари ҳақида маълумотлар бериш лозим. Дунё тиллари, дунё мактаблари, уларнинг таълим тизими, одам ва унинг саломатлиги, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳақидаги қизиқарли фактлар билан дарсликдаги машқлар доирасида ўқувчиларни таништириб бориш, уларни тилшуносликка бўлган муҳаббатини янада оширади. Тавсия сифатида қуйидаги фактларни келтиришимиз мумкин.

Жаҳон мактаблари ҳақида:

- Россияда биринчи мактабни Петр I ташкил қилган ва унда фақат ўғил болалар ўқишган;
- Америка ўқувчилари биринчи синфда дарс бошлашдан олдин, “Ватанимга содиқман”, деб қасамёд қилишади;
- Чехияда энг ёмон баҳо – “5”, энг аъло баҳо – “1” экан;
- Норвегияда болалар 8-синфгача баҳоланмас экан;

- Ҳиндистонда болалар 4 ёшдан мактабга боришади. Шунингдек, Ҳиндистон мактаблари энг кўп ўқувчиларни бағрига олиши билан машҳур. Айрим мактабларда ўқувчилар сони 28 мингтагача етади;
- Финландия мактабларида дарс ўтишда ўқитувчига ёрдамчи ҳам қатнашади. Шунингдек, ўқувчилар ҳар қандай об-ҳавода ҳам танаффусда синфдан ташқарига чиқишга мажбур;
- Хитой мактабларида дарс бошланишидан олдин ўқитувчи ва ўқувчилар биргаликда бадантарбия қилишга мажбур;
- Японияда ўқув йили Сакура гуллаган пайтдан бошланади. Япон мактабларида ошхона бўлмайди. Мактабда ручка ўрнига қалам ишлатилади. Шунингдек, Япон мактабларида умуман “иккичи” ўқувчи бўлмайди.
- Куба мактабларида ўқувчилар қишлоқ хўжалиги ишларига ўргатилади;
- ўқувчиларга форма кийдириш биринчи бўлиб Англияда ўйлаб топилган.

Дунёнинг машҳур ишбилармонлари ҳақида маълумотлар келтириш ҳам ижобий натижа беради. Чунки ўқувчиларни машҳур одамларнинг қандай қилиб бизнесни бошлагани ва натижага эришиш йўлида кўрган қийинчиликлари қизиқтиради. Бу ҳам айрим ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашида мотивация бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда айтмоқчиманки, 9-синф она тили дарслигининг асосий мавзу – мундарижасидан ўқувчини касбга йўналтиришга қаратилган маълумот ва матнларга кўпроқ ўрин бериш лозим.

10-синф она тили дарслиги икки қисмдан иборат бўлиб, унда ўқувчиларга миллий тил ва адабий тилнинг пайдо бўлиши, улардаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлар, нутқ услублари, тил ва нутқ бирликларидан услубиятда тўғри фойдалана олиш, қўшимчалар услубияти каби бир қанча мавзулар тушунтирилади. Дарсликдаги асосий янгилик сифатида ҳар бир тил бирлигининг маълум нутқ услубида қай тарзда ишлатилиши, сўзларнинг услубий хосланишига алоҳида эътибор қаратилганлигини келтириш мумкин.

Дарсликда, асосан, А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”дан фойдаланилган. Ҳар бир мавзу якунида битта сўзнинг турли маънолари келтирилган. Қайси нутқ услубида фойдаланиш ўринли бўлиши ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Дарсликнинг иккинчи қисмида Озод Шарафиддиновнинг “Биринчи мўжиза” ва филология фанлари доктори, профессор Б.Менглиёвнинг “Глобаллашув: Тиллар тараққиёти ва таназзули ” мавзуларидаги фикрлари диққатга сазовордир. Ўқувчилар ушбу матнларни ўқир экан, уларда илгари сурилган фикрлар орқали китобга, бадиий адабиётга меҳр қўяди. Она тилимиз ва унинг тараққиёти, тилимизнинг софлиги, яшовчанлиги, дунё тиллари орасида тутган ўрни ҳақида атрофлича фикр юритишга ҳаракат қилади.

Шунингдек, ушбу дарсликда биз учун янги бўлган “Кўхна сўзлар” атамаси киритилган.¹ Бу атама аслида янги емас. У 5-синф дарслигида “Эскирган сўзлар” мавзуси остида берилган. Эскирган сўзлар икки турга бўлинади:

1.Тушунча ва сўз бирга эскиради (историзмлар) ва умумистеъмолдан чиқиб кетади. Паранжи, чиммат, қутидор, парвоначи каби. Бу сўзлар ҳозирда фақат тарихий асарларда ўша давр руҳини гавдалантириш учунгина қўлланилади.

2.Тушунча сақланиб қолади, аммо сўз эскиради ва бу сўз ўрнини янгиси эгаллайди (архаизмлар). Миршаб, зиндон, даст, мужгон каби сўзлар. Бу сўзлар ифодалаган тушунчалар мавжуд, лекин сўз давр тақозоси билан эскириб ўрнини янги сўзлар эгаллаган.

Энди дарсликда келтирилган кўхна сўзининг луғавий маъносига эътиборимизни қаратсак. Кўхна – (форсча – ески, қадимги) 1. Узоқ ўтмишдан давом этиб келаётган; қадимий. Менинг кўз ўнгимда жонланар тарих, Ғамлардан тўқилган шу кўхна олам (А.Орипов “Рухим”)

2. Эскириб путурдан кетган; эски. Дераза олдида кўхна стол. Бериги дераза ёнида диван. (М.Муҳамедов “Кичик гарнизон”)

Ижодий ишларнинг янги тури сифатида эссе ёзиш ҳақида дарсликда батафсил маълумотлар ва эссе ёзиш йўл – йўриқлари кўрсатиб ўтилган. Ўқувчилар учун эсседан намуналар келтирилган.

Мавзу бўйича олинган билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш мақсадида ўқувчиларга мавзулар доирасида тест топшириқлари ҳам ҳавола этилади. Ўқувчи бу топшириқларни бажариш жараёнида матн ёки мавзунини қай даражада ўзлаштирганини ўзи мустақил равишда синовдан ўтказиши мумкин.

Дарсликда “Маҳмуд Ғазнавий ва Аёз”, “Умр шундай кечади”, “Вақт кадри”, “Ярим соат” каби матнлар берилганки, ўқувчилар матнни ўқиш давомида мантиқан фикрлайдилар, ўз фикрларини изоҳлашга уринадилар.

1. Mengliyev B., Toshmirzayeva Sh., Atoyeva S., Majidova S., Mannopova D. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik. –T.: O'qituvchi NMIU, 2020 70-6

Бу ҳам она тили фанининг ҳозирги кундаги бош мақсадига айланган ўқувчи оғзаки нутқини ривожлантириш борасидаги ижобий силжиш бўлди.

Она тили таълимининг сўнгги 11-синфлар учун мўлжалланган дарслиги нутқ маданиятига бағишланган. Дарсликда тил ва нутқ диалектикаси, нутқнинг сифатлари, кўринишлари, талаффуз ва имло меъёрлари, сўз қўллаш билан боғлиқ меъёрлар, барқарор бирикмалардан нутқда ўринли фойдалана олиш маданияти каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Дарсликда маданий нутқнинг барча коммуникатив сифатлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Нутқнинг тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилиқ, бойлик, софлик, жўялилиқ каби муҳим жиҳатлари алоҳида мавзуларда ёритилган, уларга мос равишда машқ, топшириқ ва саволлардан фойдаланилган. Мазкур дарсликда юқорида саналган сифатларга боғлиқ тарзда нутқ маданиятининг икки босқичи фарқланади, яъни нутқда тўғрилиқ сифатининг мавжудлиги нутқ

мданиятининг биринчи босқичи ҳисобланади, нутқда қолган бошқа сифатларни ҳам мужассамлаштириш эса нутқ маданиятининг иккинчи - олий босқичи саналади.²

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мактаб дарсликлари ўқувчи ёш психологияси ва ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг қизиқишларига мос равишдаги матнлар билан бойитилиши лозим. Дарсликда берилган матнлар, машқлардаги мисол тариқасидаги гаплар, топшириқлар ҳам ўқувчига янги маълумот бериши, шу билан бирга ўқувчини ўзига жалб эта олиши керак. Ҳозирги жадаллик билан ривожланаётган даврда ўқувчиларнинг ақлий салоҳияти ҳам даврга мос равишда тез ривожланыпти. Мактаб дарсликлари ўқувчи учун қизиқарли ҳаёт дарслигига айлангандагина биз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз. Бу йўлда ҳормай-толмай ижод қилаётган тилшунос олимларимизга машаққатли ишларида омад ва зафарлар тилаб қоламиз!

-
2. Mahmudov N., Odilov Y., Ziyodullayeva G. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. –Т.: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. 16-б

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R., Mengliyev B. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. –Т.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2019.
2. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. –Т.: Tasvir, 2019.

3. Mahmudov N., Sobirov A., Odilov Y., Ziyodullayeva G. Ona tili. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik. –T.: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017.
4. Mengliyev B., Toshmirzayeva Sh., Atoyeva S., Majidova S., Mannopova D. Ona tili. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik. –T.: O`qituvchi NMIU, 2020.
5. Mahmudov N., Odilov Y., Ziyodullayeva G. Ona tili. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. –T.: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2018.
6. Mengliyev B., Toshmirzayeva Sh., Atoyeva S., Majidova S. Ona tili. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 11-sinfi uchun darslik. –T.: O`qituvchi NMIU, 2020.